

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan


**МИЛЛИЙ UZ
ДОМЕНИ ИНТЕРНЕТ
ФЕСТИВАЛИ**

Миллий UZ домени-2010 интернет фестивалига старт берилди.

Фестивал мамлакатимизда 2001 йилдан бошлаб ўтказиб келинади. Ҳозирги кунгача интернет-фестивал икки йилда бир маротаба ўтказиларди, жорий йилдан бошлаб эса ҳар йили ташкил этиладиган бўлди.

Ўзбекистонда бугунги кунда интернетдан фойдаланувчилар сони 3 миллиона яқинлашиб қолди. 2010 йил 5 август ҳолати бўйича фаол доменлар сони иккичи даражали UZ худудининг ўзида 10500дан ортиқни ташкил этади. UZ доменига таалуқи учинчи даражали яна бир неча минглаб доменлар ҳам мавжуд. Фақаттана жорий йил бошидан UZ худудида мингдан ортиқ иккичи даражада доменлар рўйхатдан ўтказилди.

Бу йил фестивал 5 августдан 20 сентябрчага ўтказилади. Фестивал якунлари бўйича тадбир InfoCOM-2010 ахборот технологиялари ҳафталигининг биринчи кунида ўтказилиши режалаштирилган.

Танловда фестивал ўтказилиши даврида амал қилувчи ва UZ доменида рўйхатга олинган сайтлар иштирок этиши мумкин.

3-бет

АЛОҚА ОЛАМДИ:

**Сўнгги янгилик!**

Toshiba компанияси янги технология ишлаб чиқди, у қаттиқ дисклардаги маҳфий маълумотларни химоялаш тизимини янада кучайтиради. WiPe деб номланган бу технология ёрдамида компьютер ўчганда ёки диск компьютердан олингандаги дискларни маълумотларни автоматик равишда ўчириб юбориши мумкин.

Мазкур янгилик маҳфий маълумотлар билан ишловчи компьютерларда жуда кўл келади. Шунингдек, ижара олиб ишлатилган компьютерларни бошлангич ҳолатта келтиришда, қолаверса, йиллар давомида маълумотларни "эслаб қолувчи" принтер ва ксерокслар хотирасини тозалашда кўл келади.



Тошкент шаҳри жамоалари ўргасида ўтказилган "Ўтиш турнири"да чиройли ўзин кўрсаттан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг "Почтамт" жамоаси финал ўйинидаги "МТС-Ўзбекистон" футболчиларни мағлуб этиб, кубок соҳибига айланиши.

Алоқа ва ахборотлаштириш тизими корхона ва ташкилотлари ўргасидаги футбол бўйича ўтказиладиган ҳар қандай турнир қизиқарли тус олади. Бунинг асосий сабабларидан бир мусобақаларда давомийлик бор. Кубок ўйинларининг ҳар йили мунтазам равишда ўтказилиши жамоаларнинг йилдан-йилга тайёргарликни кучайтириб боринига турткы беради. "Почтамт" вакилларининг ҳаракатида шундай ўсии яқдol кўзга ташланди.

15-бет

Ушбу сонда:

■ Ягона ойна маркази	тажрибасини ўрганишга багишлиланган республика амалий семинари ўтказилди	2
■ Аноним мурожаатлар кимга керак?		5
■ Начал работу экспертный совет		6
■ .CO феномени		11
■ Тилла узук сабоги		16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 август куни Оқсаройда Япония ташки ишлар вазири Кацюа Оқадани қабул қилди. Сұхбат чоғида иккى томонлама ҳамкорликни ривожлантириши истиқболларига доир ва томонларни қызиктирған бөшқа масалалар юзасидан фикр алмашылди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан ҳалқ депутатлари Кащқадарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисиси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Конунинни Кащқадарё вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

“Марказий Осиё + Япония” мулоқоти доирасида Тошкентда ташки ишлар вазирларининг учинчи кенгаси бўлиб ўтди. Учрашувда ташки ишлар вазирларининг 2006 йил Токиода бўлиб ўтган иккичи кенгасида қабул қилинган “Ҳаракат дастури” ижроси сарҳисоб қилинди. Томонлар Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустахкамлаш ва иқтисодий тараққиётни таъминлаш масалаларини муҳокама қилилар.

2010 йил 10 августда
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.
Кенгаш Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялни мажлисини шу йил 28 августа Тошкент шаҳрида чакририш тўғрисида қарор қабул қилди.

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида Адлия вазирлиги ташабуси билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш масалаларига бағишиланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йигиналиши ўтказилди. Йигиналиша асосий эътибор Президентимизнинг жорий йил 28 июлдаги “Таълим мусасасаларининг битирувчиларни тадбиркорлик фаoliyatiiga жалб этиш борасидаги қўшимча чоратадирилар тўғрисида” ги фармонида белгилаб берилган масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида очилган “Хурўлка ранглари” деб номланган бадий кўргазмасида қорақалпогистонлик рассомларининг ижод намуналари намойиш этилди. Бадий академиянинг Қорақалпогистон бўлими, Қорақалпогистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадий кўргазмалар дирекцияси ҳамкорлигига ташкил этилган мазкур кўргазма Ватанимиз мустакилгининг 19 йиллигига бағишиланди.

ЯГОНА ОЙНА МАРКАЗИ


тажрибасини ўрганишга
бағишиланган республика амалий семинари ўтказилди

Тошкент шаҳрининг Сергели туманида аҳолига давлат хизматларини тақдим этиш бўйича Ягона ойна маркази (ЯОМ)ни ташкил этиш тажрибасини ўрганишга бағишиланган республика амалий семинари бўлиб ўтди. Ягона ойна маркази замонавий аҳборот технологиялари воситасида аҳолига асосий давлат хизматларини фойдаланишга осон, адолатли, ошкора ва самарали тарзда тақдим этиш имконини беради.

Семинарда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон алоқа ва аҳборотлаштириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, БМТ Тараққиёт Даствури вакиллари ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят бўлинмаларининг раҳбарларидан иборат қарийб 70 нафар мутахассис қатнашди.

БМТ Тараққиёт Даствурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Нато Алхазишилиниң сўзларига қараганда, БМТ Тараққиёт Даствури Ўзбекистонда турли лойиҳаларни, жумладан, АКТни ривожлантиришга таалуқли лойиҳаларни амалга ошириш орқали давлат бошқарувини ислоҳ этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати олиб бораётган ишларни кўллаб-кувватламоқда ва шу муносабат билан Тошкент шаҳрининг Сергели туманида аҳолига давлат хизматларини тақдим этиш бўйича Ягона ойна маркази пилот лойиҳасига катта аҳамият беряпти. ЯОМ концепцияси жаҳонда янгилик хисобланмайди ва БМТ Ривожлантириш Даствури бошқа давлатларда бундай ташабbuslарни муваффақиятли амалга оширган. Мўғулистан, Ветнам, Македония, Хорватия, Босния ва Герцеговина каби мамлакатларда ҳалқаро ташкилотлар ва донорлар томонидан Ягона ойна марказини ташкил этишига доир яхши мисоллар мавжуд. Сергели туманида ушбу ташабусни амалга оширишда энг яхши ҳалқаро тажрибага таянилди ва Ўзбекистонда давлат томонидан маъмурлаштириш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш ишларининг ўзига хос хусусиятлари хисобга олини.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан БМТ Тараққиёт Даствури ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ташкил қилинган семинарда “ЯОМ қандай ташкил этилади?”, “ЯОМни ташкил қилаётгандан нималарга эътибор қаратилиши керак?”, “ЯОМни жиҳозлашда қандай замонавий АКТ кўлланили?” каби мавзуларга тўхтанилди. Ушбу тажриба кейинчалик Тошкентнинг бошқа туманларида ва республика



бўйлаб шундай марказлар ташкил этилаётганда кўлланилади.

Шуни таъкидлаш муҳимки, жорий йилнинг апрел ойида пойтахтизмизнинг Сергели туманида ташкил қилинган Ягона ойна маркази ўндан зиёд давлат ташкилотлари томонидан қарийб 80 турдаги хизматни (жумладан интерфейс шаклда 25 турдаги хизматни) тақдим этишига қаратилган, Ўзбекистонда илк маротаба кўл урилган ўзига хос ташабbus бўлди. Ягона ойна маркази жорий этишини давлат хизматларидан янада кенгроқ, фойдаланишни таъминлашиб.

на қолмасдан, айни пайтда қоғозбозликни камайтириш ва самардорликни ошириш имконини ҳам беради.

Марказ 30дан ортиқ компьютер ва иккита инфокиоск билан жиҳозланган. Замонавий аҳборот тизими аҳолининг буюртмаларига ишлов берилшини кузатиб туриш, электрон набавт тизими эса – ташриф буюрувчилар оқимини самарали бошқариш учун имконият яратади. Имконияти чекланган инсонлар учун қуайликлар мавжудлиги Ягона ойна марказининг муҳим хусусиятиди.

Марказ иш бошлаганига тўрт ой бўлди ва шу даврда муайян ижорий натижаларга эришилди. Бу даврда ЯОМга туманда истиқомат қилувчи беш минг киши ташриф буюреди. Шулардан 90 foizi тақдим этилаётган хизматлар сифатидан қониши ҳосил қилган.

Ушбу ташабуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2007 йил 23 августдаги қарорини ҳамда БМТ Тараққиёт Даствурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Ҳукуматига мамлакат ривожлантириш ва жорий этишида кўмак” лойиҳаси иштирок этган.

Ягона ойна марказини яратишида Ўзбекистон алоқа ва аҳборотлаштириш агентлиги, Сергели тумани ҳокимлиги, шунингдек, БМТ Тараққиёт Даствурининг “Ўзбекистон Ҳукуматига мамлакат ривожлантириш ва жорий этишида кўмак” лойиҳаси иштирок этган.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши рационализаторлик таклифи ва ихтиро»

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мазкур танлов олимлар, муҳандислар, таъалобалар, ишлаб чиқаришдаги илгор ходимларнинг ижодий салоҳиятидан янада унумлироқ фойдаланиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хизматлар сифатини яхшилаш, телекоммуникация ускуналарини замонавийлаштириш, энг яхши рационализаторлик таклифлари ва ихтиро (патент)ларни аниқлашта ўйналирлган.

Иходий жамоалар ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ишчилари, корхоналар ва бирламчи ташкилотлар, рационализаторлик иши деб тан олинган ёки ихтиро учун гувоҳнома (патент) олган иктидорли мутахассислар танловда иштирок этишлари мумкин.

Танлов иштирокчилари томонидан қўйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ариза;
- рационализаторлик таклифи ва ихтиронинг номи, муаллиф(лар) ҳақида қисқача маълумот;
- рационализаторлик таклифи ва ихтиронинг ишлана принципи ва маҳсузтининг тасвири, схемалари, чизмалари, фото ва бошқа материалларнинг тасвири (асосий тасвири номалари ва параметлари);
- рационализаторлик таклифлари ва ихтиорларнинг қисқача мазмуни;
- Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси томонидан берилган хужжатлар (ихтиро учун берилган муаллифлик гувоҳномаси, дастурий маҳсулотни қайд этиши тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар);
- нашр этилган мақолалар ва китоблар нусхаси;
- рационализаторлик таклифлари ва ихтиорларнинг афзаллари;
- рационализаторлик таклифи ва ихтиро (патент) муаллифларини рагбатлантириш

тўғрисида корхонанинг буйргу;

- рационализаторлик таклифларининг рўйхатга олинган санаси;
- рационализаторлик таклифларини жорий этишдан келадиган иқтисодий самара-нинг тасдиқланган ҳисоб-китоби;
- рационализаторлик таклифида фойдаланишининг истиқболи ва имкониятлари тўғрисида қисқача маълумот;
- жорий этиши далолатномаси.

Танловга тақдим этилган материаллар Танлов комиссияси томонидан таҳлил қилиниб, голиблар аниқланади.

Танлов комиссияси қарорига кўра, энг яхши ихтиро (патент) муаллифларини тақдирлаш учун пул мукофотлари қўйидаги миқдорда белgilangan:

битта биринчи ўрин — 2 млн. сўм ва биринчи даражали диплом;

иккинчи ўрин — 1,5 млн. сўм ва иккинчи даражали диплом;

учинчи ўрин — 1 млн. сўм ва учинчи даражали диплом.

Энг яхши рационализаторлик таклифларининг муаллифларини тақдирлаш учун пул мукофотлари қўйидаги миқдорда белgilangan:

битта биринчи ўрин — 1 млн. сўм ва биринчи даражали диплом;

иккита иккинчи ўрин — 800 минг сўмдан ва иккита иккинчи даражали диплом;

учта учинчи ўрин — 600 минг сўмдан ва учта учинчи даражали диплом.

Пул мукофотининг миқдори Танлов комиссиясининг қарори билан ўзgartirилиши мумкин.

Соҳадаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, ташкилотлар, корхоналар томонидан хужжатлар тўплами Танлов комиссиясига 2010 йил 10 ноябрга қадар тақдим этилиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Богишамол кўчаси 7-а ўй,
Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти, тел: 238-41-76.

Шукухли айём тараддуни

Истиколимизнинг 19 йиллик байрами арафасида Иби Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона марказида турли адабиётлар тарғиботининг амалда синаланган усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, китоб муҳлисларига тавсия этилаётган асарларнинг аксарияти Мустақиллижимизни таронум этувчи китоблардан иборатdir. Яқинда ушбу зиёд ва маърифат масакинида мустақиллик байрамига бағишиланган бир неча китоб кўргазмаси ташкил этилди. “Мустақиллик — энг улуг неъмат”, “Ватан — сенсан гўзал чаман”, “Конституция — хуқуқий давлат таянчи”, “Мустақиллик мангу бор бўлсин” деб номланган ушбу кўргазмалардан Президентимиз Ислом Каримов асарлари, мамлакатимизнинг истикод йилларида ижтимоий ҳаёт ва маънавият, давлат ва жамият курилиши, суд-хуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида кўлга киритган ютуқлари хусусида сўз юритувчи, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эталлаш даври бўлганини кўрсатувчи ижтимоий-сиёсий адабиётлар, матбуот нашрлари ўрин олган.

Шунингдек, “Баркамол авлод — келажак пойдевори”, “Мозийдан тараалган нур”, “Маънавият — тараққиёт негизи”, “Бухоро — Шарқ гавҳари” номли китоб кўргазмалари ҳам ахборот-кутубхона марказига келаётган турли ёшдағи кишиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Марказнинг ўқув зали сектор мудири Артемтина Майлова, фаол кутубхоначилардан Шоҳида Фозилова, Зарина Ортикова ҳамда зиёд масакинини ёшлар билан ишлаш бўлими, маънавият ва маърифат сектори ҳодимлари сайд-ҳаракати билан ташкил этилган китоб кўргазмалари кутулуг сана муносабати билан ўкувчи ва талаба ёшларга, адабиёт ихлюсмандларига ҳозирланган ўзига хос тухфа бўлди.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг

Бухоро вилоятидаги мухбири

Миллий UZ домени интернет фестивали



Энг яхши веб-саҳифа ёки веб-блог ва “Аёллар ва болалар репродуктив саломатлигига ва соёлом турмуш тарзига бағишиланган энг яхши сайт” номинациялари ҳам киритилди. Мазкур номинациялар Узбекистон хотин-қизлар қўмитаси эксперталари томонидан баҳоланади.

Баркамол авлод йили муносабати билан янги мавзули номинациялар киритилиши 2010 йил фестивалинг ўзига хос жиҳатидир.

Ушбу фестивалга “Ўзбекистон хотин-қизлари томонидан яратилган

шунингдек, «Ўзбекистон маданий ва санъати форуми» жамғармаси ва «Келажак овозиги ташаббускор ёшлар маркази ҳам бу йилги фестивал ташкилотчилари сифатидан иштирок этдилар. Улар томонидан «Ёшлар учун энг яхши сайт» номинацияси таъсис этилди. Ушбу номи-

нация Баркамол авлод йилига бағишиланган ва унда ёшлар учун мўлжалланган маҳсус сайтлар (мактаблар, коллажлар, лицейлар ва ОТМ, ёшлар ташкилотлари ва бирлашмалар сайтлари) иштирок этади.

Мазкур номинацияда Баркамол авлод йилига бағишиланган энг яхши мақолалар муаллифларига ҳам совринлар топширилади.

Ҳар бир номинацияда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга фестивалинг дипломи ва совринлари топширилади. Ҳакамлар ҳайъатининг қарори бўйича беъзи номинацияларда мукофот ёки ўринлар тақдим этилмаслиги мумкин. Фестивал совринлари ва дипломлари сайт эгаига ёки унинг вакилига топширилади. Фестивал голибларини мукофотлаш тантанали маросими 20 сентябр куни Узбекистон ёшлари саройида ўтказилади.



АЛОҚАЛАР ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Венесуэла Колумбия билан дипломатик алоқаларни қайта тиклади.

Колумбия президенти Мануэл Сантос ва Венесуэла президенти Уго Чавес иккى томонлама дипломатик алоқаларни тиклаши ҳақида келишиб олдилар. Бу келишувге иккى мамлакат раҳбарлари Колумбиянинг Санта-Марта шаҳридаги утрашуви якунда ёршилди.

Иккى мамлакат алоқалари иккى ҳафта олдин Каракаснинг ташаббуси билан тұхтатылған эди. Бунга Колумбиянинг аввалиң президенти Алваро Урибе Венесуэла ҳукуматини Колумбия ҳукумати билан 46 йылдан бүн ҳарбий кураш олиб бораёттан FARC гурухи исенчиларини яширгандықда айблаганы сабаб бўлган эди.

КУТКАРУВ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОКДА

Покистонда рўй берган йирик сув тошқинлари оқибатларини бартараф этиш ишлари давом этмоқда.

Аммо зарап кўрган кўплаб ҳудудларга куткарувчilar ва ҳарбийларнинг етиб бориши қийин кечмоқда. Озиқ-овқат, дори-дармон во-ситалари етишмовчилиги мавжуд. Жабрланганларнинг кўпчилиги ифлосланган сув истемол қилиши натижасида ошқозон, ўпка ва тери касалликларни юқтириб олишган. Айни замонда БМТ Бонг котиби маҳсус вакили Жан-Морис Рипер вазиятни ўрганиб, ҳалқаро инсонпарварлик ёрдами миқёсини аниқламоқда.

ДУНЁ «ЧҮЧКА ГРИППИ»ДАН ХОЛИ

Жаҳон соғиqliк сақлаш ташкилоти H1N1 гриппи эпидемиясининг тутаганини маълум қилди. «Чўчка гриппи» номи билан кенг тарқалган H1N1 вируси ўз таъсир кучини сарфлаб бўлган ва бутунлай йўқолган. Уйбу маълумот ЖССТ бош директори Маргарет Чан томонидан маълум қилинган. «Биз энди эпидемиядан кейинги даврда яшяпмиз», деган Чан хоним.

Мазкур маълумот бошланиш давриданоқ вирус тарқалишини тадқиқ этиб борган эпидемия соҳаси эксперслари таклифлари асосида тайёрланган.

Эслатиб ўтамиш, H1N1 гриппи ҳақидаги биринчи хабар 2009 йилнинг апрелида пайдо бўлган ва қисқа вақт мобайнида дунёнинг аксар мамлакатларига тарқалиб, кўплаб одамларни ҳаётдан олиб кетганди.

ЭРОНГА TOYOTA СОТИЛМАЙДИ

Токио нашрларининг ёзишича, Япониянинг Toyota Motor Corp. автоконцерни ўз автомобилларини Эронга экспорт қилишини тұтатади. Бунга яқында ушбу мамлакатта янги ҳалқаро санкция құлланғаны сабаб бўлди.

Компаниянинг билдиришича, санкция машиналарни Эронга етказиб беришига тұғридан-тұғри ман құлмайды. Автогигант раҳбарларининг бу қарорға келиши «АКШ ҳукумати Эрон билан ҳамкорлик қилаётган хорижий компаниялар билан союз муносабатда бўдиши» билан боғлиқ. Toyota автомобилларини Эронга экспорт қилишини давом эттирса «Вашингтон ишончни салбий томонға ўзgartириши мумкин»ligиган хавотирда.

Эрон Toyota экспорти бўйича Япониянинг Хитойдан кейинги энг муҳим савдо ҳамкори ҳисобланади. ИТАР-ТАСС хабар беришича, жорий йил бошидан Эронга 230ta Toyota автомобили сотилган.



BIZNES

Google ижтимоий йўналишда

Google компанияси ижрои директори Эрик Шмидт Bloomberg TV телеканалига берган интервьюсиде компанияси нафакат бошқа компанияларни қўлга киритиш суръатини сақлашиб қолиши, балки жараён иккى бараваргача тезлашишини маълум қўлган. Бу, Шмидтнинг таъкидлашича, стратегик лойиҳаларни ривожлантириш ва келгуси ўсишин тайминлаш учун жуда зарур.

Бутунга келиб Google АҚШ интернет-қидирив бозорининг 75 фоизини забт этган бўлса, Европадаги улушни 90 фоизга етган.

Кузатувларга кўра, Google асосий этиборни Facebook каби ижтимоий тармоқ яратишга қаратмоқда. Аммо мустақил иш бошлаб бирон-бир натижага эришишига ҳатто компаниянинг ўзи ҳам ишонмаяти, шу боис ишни бу йўналишдаги компанияларни сотиб олиш билан давом эттироқчи.

Хинд сари йўл

Япониянинг энг йирик NTT DoCoMo мобил оператори Хиндистоннинг Tata Teleservices операторига 1 миллиард долларлик инвестиция киритиб, ундаги улушни 40 фоизга етказмоқчи.

Хиндистонда чоп этиладиган The Economic Times газетасининг ёзишича, келишув йил охиригача амалга ошиши мумкин. Шунингдек, Tata Teleservicesнинг бош компанияси — Tata Group ўз улушини NTT DoCoMo сотиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

TEXNOLOGIYALAR

Тезкор мобил процессорлар

Qualcomm компанияси йил охирига бориб смартфон ва планшетларга Snapdragon туркумига мансуб иккى ядроли мобил чиплар етказишини маълум қилди. Компаниянинг этироф этишича, булар энг тезкор мобил процессорлариди.



Дастлаб частотаси 1,5 ГГц бўлган QSD8672 процесорлари чиқарилади.

Qualcommning мобил процессорлар бозоридаги асосий рақиби Texas Instruments компанияси ҳам йил охиригача иккى ядроли процессорлар чиқаришни бошламоқчи.

Ойнада қуёш батареяси

Лестер университети (Буюк Британия) олимпари Норвегиянинг EnSol AS компанияси билан ҳамкорликда дераза ойналарни қуёш батареяларига айлантирувчи технология ишлаб чиқишиди. Маҳсулот тижорат мақсадларига 2016 йилда пайдо бўлиши кутиляти.



Технологияга кўра, қуёш батареялари шаффофф плёнкага жойлаштирилалди ва дераза ойналарига (заводда) ёпиширилалди. Плёнка металл наноқсмлардан иборат бўлиб, уни ясаш учун маҳсус курилма Лестерда ишлаб чиқилди.

XAVFSIZLIK

Биринчи Android вируси

«Касперский лабораторияси» Google Android базасидаги смартфонлар учун мўлжалланган биринчи вирус — FakePlaygen аниқлади.

Троян Android-смартфонларга видеоплеернинг ўрнатувчи APK-файли остида киради. Агарда фойдаланувчи уни ўрнатишга розилик берса бас, троян тизимга кириб олади ва эгасидан яширин ва рухсатиз пуллик рашмаларга SMS жўнатишни бошлайди. Телефон этаси «сарфлаган» пуллар, табиийки, кибержиноятчilar ҳаменига бориб тушади.

Мазкур зарапи дастурни ҳатто антивирус ёрдами сиз ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун уни ўрнатишда қайси сервисларни таклиф этаётганига этибор қартилса кифоя.

REYTING

Телефон — энг муҳим ихтиро

Биринчи шахсий компьютер ишлаб чиқарилганда 25 йил тўлиши муносабати билан Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тадқиқот ўтказди. Россияликлар XX асрда одамлар турмуш тарзини ўзгартирган энг муҳим техник янтиликларни аниқлаб беришлари керак эди.

Телефон (73%) ва компьютер (53%) XX асрнинг энг муҳим ихтиrolори дея этироф этилди. Автомобиллар учинчи ўринга лойик деб топилиди (51%). Кейинги ўрингларда интернет (42%) ва телевизор (39%).

Apple талабалар компьютери

Америка университети ва коллежлари талабалари энг кўп фойдаланадиган ноутбуклар Apple русумига мансуб экан. Бу MacRumors сайти ўтказган сўровномада аниқланди.

Сўровномада катнашганларнинг 24 фоизи иккичи ўрингаги Dell ноутбукларидан фойдаланишларини билдиришган. Янги ноутбук харид қилиш истагидагиларнинг 47 фоизи Apple маҳсулотларига қизиқишиларни маълум қилиши.

Сўровномада иштирокчиларнинг 87 фоизи ноутбуги, 24 фоизи стол компютери, 15 фоизи ҳар иккаласига ҳам эгалигини билдириган.




Энг буюк неъмат

Республикамиз мустакиллиги нишонланадиган улуг байрам арафасида таникли сиёсатчилар, ёзувчи ва шоирлар билан меҳнат жамоаларининг учрашувлари анъанага айланган. Шундай учрашувлардан бирни якинда "Ўзбектелеком" АК "Шахарлараро алоқа корхонаси" филиалида бўлиб ўтди.

Филиал алоқачилари Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таникли адаби, "Меҳнат шуҳрати" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари соҳиби Ўткир Ҳошимов ҳамда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Турсунали Ўрмонов билан учрашдилар.

Утрашувни очар экан, корхона раҳбари Голибшер Зиёев Ўткир Ҳошимов ва Турсунали Ўрмоновларининг ижодий фаолиятига қисқача тўхталиб ўтди ҳамда ўтган 19 йил давомидаги республика алоқа соҳасида кўлга киритилган ютувлар ҳақида гапиди.

Ҳақиқатан ҳам мустакиллик энг буюк неъмат, — деди биринчи бўлиб сўз олган Ўткир Ҳошимов. — Бир қарашда осон кўлга киритилган дек туюладиган бу неъмат ортида катор қатағонлар, юзлаб одамлар-



нинг тўкилган покиза қони, тортган азоб-уқубатлари ётиди. Зоро, улуг боболаримиз Файзула Хўжев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар Ватан озодиги йўлида ҳало бўлдилар. Шунинг учун ҳам Юргашимиз Ислом Каримов уларнинг покиза қони тўкилган майдон ўрнида "Шахидлар хотириаси" ёдгорлик мажмуми курилиши бош бўлди ва ҳар йили Қатағон қурбонлари куни арафасида ўзлари келиб, ушбу ёдгорликни зиёрат қилиди, азиз боболаримиз хотириаси олдида бош ёгади. Ёки ўтган асрнинг охирги ўн йилликларида бўлиб ўтган сўнгти қатағон — "ўзбеклар иши"ни олиб кўрайлик. Ушбу воқеалар муносабати билан ҳам қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғи қуриди, юзлаб болалар етим бўлиб қолишиди.

Демоқчиманки, юрт мустакиллиги осонлик билан кўлга киритилмади ва у ҳар бир ўзбекистонлик учун нон қадар, жон қадар азиздир. Бу фикрни биз ёшларимизга тушунтирмоғимиз, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашмиз лозим.

— Дарҳақиқат, истиқол бизга кўп нарса берди, — деда сұхбатни давом эттири шоир Турсунали Ўрмонов. — Биргина сиз меҳнат қилаётган алоқа соҳасини олиб кўрайлик. Бир вақтлар ҳар бир хонадонда телефон бўлиши, уйда ўтириб яқинлари билан гаплашиш ушалмас орзу эди. Фарзандларини ҳарбий хизматга жўнгаттан ота-оналар улар билан телефон орқали гаплашиш учун бир неча кун овора сарсон бўлар, бирор хонадонга "Тез ёрдам" машинасини чақириш учун бир неча километр ўйл босиб, телефони бор бирор ташкилот идорасини топиш керак бўларди. Энди-чи? Нафоқат хонадонларда, балки деярли ҳар бир инсонда алоқа воситаси бор. Одамлар кўчада кета

тириб ҳам дунёнинг энг чекка давлатидаги таниши билан гаплашиш имконига эга. Сиз, алоқачиларнинг бу борадаги меҳнатнингиз салмоқли. Юрт мустакиллигининг 19 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишдек катта қувонч сизлар билан ҳамроҳ.

Шундан сўнг ҳар иккى ижодкор янги асарларидан парчалар ўқиши, устоз ёзувчи ва шоирлар ҳаётига оид қизиқарли воқеалардан сўзлашиб. Алоқачиларнинг кўплаб саволларига жавоб беришиди.

— Бутун биз жуда катта маънавий озуқа олдик, — деди тўлқинланиб "ШАК" филиали лойиҳалаштириш-конструкторлик бўлими муҳандиси Ҳасан Шукурров. — Бу эса инсон ҳаётида китобнинг ўрнини ҳеч қандай восита боса олмаслигидан далолатдир. Зоро, китоб энг яқин дўст, билим ва заковат манбаи. Биз истар эдикки, ёзувчи ва шоирларимиз одамлар маънавиятини ошириша хизмат қуловчи асарларни кўпроқ ёссишлар.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Ҳикмат

Энг катта ютук хеч качон йикилмасдан эмас, балки йикилган тақдирда кайта оёкка туришдадир.

КОНФУЦИЙ

Аноним мурожаатлар кимга керак?

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан катъи назар, давлатимизнинг барча фуқаролари фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги хукукига, истаган ахборотни излаш ва олиш, ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат килиш хукукларига эгадирлар.

Лекин айрим ҳолларда, бу хукуқ ва эркинликларни сунните мол қўлган ҳолда давлатимизнинг мавжуд қонуларига риоя қўлмасдан, раҳбарлар ва ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият юритишига ҳалақит берётган, ҳам мавнавий, ҳам моддий зарар келтираётган фуқаролар орамизда учраб турибди.

Давлат алоқа инспекциясига келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилинганди, аноним тусдаги мурожаатлар сони 2010 йил 7 ой давомидаги бешта бўлиб, 2009 йил шу давридагига нисбатан иккитага оштанилигига аниқланди.

Масалан, Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Тангзар, Хуфар, Шурон қишлоқлари ва Уқцизил туманидан бир гуруҳ фуқаролардан келган мурожаатларда уларнинг манзили тўлиқ кўрсатилмаганлиги сабабли фуқаролар йиғини орқали фамилиялари келтирилган мурожаатчилар суриштирилганда, улар ушбу манзилларда истиқомат қўлмасликлари маълум бўлди. Шунга ўхаш ҳолат Тошкент шаҳар, Сиргали тумани, Самарқанд вилояти Каттақўрон тумани, Пайшанба ПАТ ва Жиззах вилояти почта ходимлари номидан келган мурожаатларда ҳам аниқланди. Шикоятларни жой-

ига чиқиб ўрганиш жараённида, мурожаатчилар билан учрашилганда, улар мурожаат қилимаганликларини билдирганлар.

Энг ачинарлиси шундаки, келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиши мақсадиди масбул ҳодимларни жалб қилиш, хизмат сафарларига юбориши ва ўрганишларни ўтказишни ташкил қилиш учун вақт ҳамда моддий маблағ бекорга сарф бўлмоқда. Яъни, тегишили корхона ва назорат органлари ходимларининг қўмматли вақтлари ҳужжатларни ўрганиш, мурожаатчилар билан учрашиши ҳамда ёлғон маълумотларни текширишга кетмоқда. Бундан ташқари, мурожаатларни ўрганиш жараённида фамилиялари келтирилган шахслар кўрсатилган манзилда яшамаслиги ёки уларнинг шикоятидан хабарлари йўқлиги ёхуд қўшишини, қариндоши унинг номидан ёзганлиги каби ҳолатлар аниқланмоқда. Шу билан бирга, юқори ташкилотларга келиб тушаётган мурожаатларни ўрганиш жараённида ҳам мурожаат аноним эканлиги ва аризаларнинг имзолари қалбкалаширилганлиги маълум бўлмоқда.

Этн ёмони, айрим нопок шахслар ташкилотлар фаолияти ёки раҳбар ходимларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида бўхтон сўзлар битилган мурожаатларни ўтириб ўтди.

Роҳаатларни ўзга шахслар номи остида йўллашмоқдалар. Бунинг оқибатида имзолари қалбакидаширилган шахслар маънавий, назорат органлари эса моддий зарар кўрмоқдалар. Фуқаролар ўзларининг бундай хатти-ҳаракатлари орқасида давлат бюджетига катта зарар келтириш билан бирга, назорат органлари ходимлари ҳамда бошқа фуқароларнинг ортиқча оворао сарсонгарчилигига сабаб бўлмоқдалар.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларга чек кўйиш ва уларнинг қайта тақрорланиши олдини олиш мақсадиди Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги қонунинг 6-моддасини келтириб ўтиш ўринли деб ўйлайман: "Мурожаатчиларни исми-шарифи, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар аниқ кўрсатилиши, ёзма мурожаатларда мурожаат этувчи номи зошиб бўлиши лозим, акс ҳолда бундай мурожаатлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқмайди". Шундай экан, аноним мурожаатларни ўтириб ўтди.

Хулоса қилиб айтганда, бирорнинг вақтини ўйларни, обўсими тўкиш, маънавий ва моддий зарар етказиши ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Асосиз шикоятлар ва мурожаатлар ўтириб ўтди. Асосиз шикоятларни ўтириб ўтди.

Г.ЮСУПОВА,
Давлат алоқа инспекцияси
стакчи муҳандиси

НАЧАЛ РАБОТУ экспертный совет

23 апреля 2009 года был принят Закон Республики Узбекистан "О техническом регулировании". Цель — регулирование отношений в области установления, применения и исполнения обязательных требований к безопасности продукции, работ и услуг.

Эти требования предполагают отсутствие недопустимого риска, связанного с вероятностью причинения вреда жизни и здоровью человека, окружающей среде, имуществу юридических, физических лиц и государства. К числу основных принципов технического регулирования отнесено соответствие технических регламентов национальным и международным нормативным документам. Требования мировой экономики диктуют шагать ногу со временем. Присоединение к международной организации подразумевает не только определенные льготы, но и большую ответственность, производство и торговлю конкурентоспособной продукции.

В соответствии со статьей 12 Закона Республики Узбекистан «О техническом регулировании» и Положения об экспертном совете в области технического регулирования, утвержденным приказом агентства «Устандарт» зарегистрированным в Министерстве Юстиции от 07.01.2010 за № 2060, при УзАСИ создан Экспертный совет для разработки общих и специальных технических регламентов, изменений и дополнений в технические регламенты, а также предложений по отмене указанных регламентов.

Следующим шагом на пути к реализации Закона стало первое организационное заседание Экспертного совета в области технического регулирования. Оно состоялось 22 июля 2010 г. в УзАСИ. Участники совета обсудили следующие вопросы:

1. Об утверждении положения об Экспертном совете в области технического регулирования в сфере связи и информатизации;
2. Об утверждении плана работы Экспертного совета в области технического регулирования в сфере связи и информатизации;
3. О порядке финансирования разработки общих и специальных технических регламентов;
4. О порядке разработки общих и специальных технических регламентов.

Также в целях реализации Постановления Кабинета Министров издан приказ Агентства в котором установлены сроки разработки технических регламентов, исполнители, соисполнители. Персональный состав экспернского совета утвержден приказом Агентства от 28.07.2010 № 249.

За прошедший период предприятиями сферы подготовлены предложения к Программе разработки технических регламентов за 2010-2013 гг. Специалистам ГУП «UNICON.UZ» совместно с ЦЭМС и ГКРЧ, АК «Узбектелеком», Республиканским центром управления системами телекоммуникаций Узбекистана, ГУП «UZINFOCOM», ОАО «Узбекистон почтаси» предстоит разработать общие технические регламенты «Об электромагнитной совместимости», «Требования к оборудованию телекоммуникаций», а также специальные технические регламенты «Требования к инфраструктуре открытых ключей» и «Требования по обеспечению безопасности в почтовой связи».

Прежде всего, необходимо отметить, что все обсужденные вопросы важны для реализации Закона «О техническом регулировании». Вся деятельность Экспертного совета направлена в полной мере на осуществление статьи Закона в жизнь. Важно отметить, что предстоит большая работа Экспертного Совета по реформированию существующей системы стандартизации, рассмотрение и разработка технических регламентов в сфере связи и информатизации, в которые должны быть вовлечены все хозяйствующие субъекты сферы.

Заседания Экспертного совета планируется проводить два раза в год. Следующее заседание запланировано на ноябрь 2010 г.

Положено доброе начало для деятельности Экспертного совета в области технического регулирования в сфере связи и информатизации в целях реализации Закона «О техническом регулировании».

У.УМАРХОДЖАЕВА,
пресс-секретарь ГУП «UNICON.UZ»



Интенсивное развитие глобальных компьютерных сетей, появление новых технологий поиска

информации привлекают все большее внимание к сети интернет со стороны частных лиц и различных организаций.

Использование глобальной сети интернет обладает неоспоримыми достоинствами, но, как и многие другие новые технологии, имеет свои недостатки.

Ежегодные потери из-за недостаточного уровня защищенности компьютеров оцениваются десятками миллионов долларов. Поэтому при подключении к интернету локальной или корпоративной сети необходимо позаботиться об обеспечении ее информационной безопасности.

При подключении сети предприятия к интернету можно защитить корпоративную сеть от несанкционированного доступа с помощью одного из следующих решений:

- аппаратно-программный или программный межсетевой экран;
- маршрутизатор со встроенным пакетным фильтром;
- специализированный маршрутизатор, реализующий механизм защиты на основе списков доступа;
- операционная система семейства UNIX или, реже, MS Windows, усиленная специальными utilityами, реализующими пакетную фильтрацию.

Защита корпоративной сети на основе межсетевого экрана позволяет получить высокую степень безопасности и реализовать следующие возможности:

- семантическая фильтрация циркулирующих потоков данных;
- фильтрация на основе сетевых адресов отправителя и получателя;
- фильтрация запросов на транспортном уровне на установление виртуальных соединений;
- фильтрация запросов на прикладном уровне к прикладным сервисам;
- локальная сигнализация попыток нарушения правил фильтрации;
- запрет доступа неизвестного субъекта или субъекта, подлинность которого при аутентификации не подтвердилась;
- обеспечение безопасности от точки до точки: межсетевой экран, авторизация маршрута и маршрутизатора, тун-

нель для маршрута и криптозащита данных и др.

Следует отметить, что межсетевые экраны позволяют организовать комплексную защиту корпоративной сети от несанкционированного доступа, основанную как на традиционной синтаксической (IP-пакетной) фильтрации контролируемых потоков данных, осуществляющей большинством ОС семейства Windows и UNIX, так и на семантической (контентной), доступной только коммерческим специальным решениям.

В настоящее время все выпускаемые межсетевые экраны можно классифицировать по следующим основным признакам:

- по исполнению:
 - аппаратно-программный;
 - программный.

По функционированию на уровнях модели OSI:

- шлюз экспернского уровня;
- экранирующий шлюз (прикладной шлюз);
- экранирующий транспорт (шлюз сеансового уровня);
- экранирующий маршрутизатор (пакетный фильтр).

По используемой технологии:

- контроль состояния протокола;
- на основе модулей-посредников (proxy).

По схеме подключения:

- схема единой защиты сети;
- схема с защищаемым закрытым и не защищаемым открытым сегментами сети;
- схема с раздельной защитой закрытого и открытого сегментов сети.

Довольно распространенная на сегодня защита корпоративной сети на основе маршрутизатора со списком доступа основывается на использовании специализированных маршрутизаторов. Данная схема обладает высокой эффективностью и достаточной степенью безопасности.

Защита корпоративной сети на основе операционных систем, усиленных функциями пакетной фильтрации, построена на том, что системное программное обеспечение выполняет функции маршрутизации, фильтрации, сервисного обслуживания и др. По уровню надежности, безопасности и производительности наиболее предпочтительны решения на основе UNIX-подобной операционной системы.

Шерзод ГУЛОМОВ,
аспирант кафедры «Информационная безопасность» ТУИТ



Poste Italiane

(Охир. Аввали ўтган сонларда.)

Италия почта хизмати ўзининг «виртуал» телефон компанияси PosteMobile билан симсиз телефония бозорига ҳам кириб келди. 2009 йил охирида олингандан маълумотларга кўра, 650 минг мижоз PosteMobile сим-карталарини харид қилишган. Улар бу компания ёрдамида телефон воситасида ҳар хил тўловларни амалга оширишлари мумкин, масалан, поезд, самолёт ва такси йўлкирасини тўлаш ёки хат ва открытикалар хизмат ҳақдари. Қисқаси, почтанинг тури-туман хизматларидан фойдаланиш учун алоқа бўлимига бориши шарт эмас.

Poste Italiane жаҳондаги энг замонавий инфратузилмалардан бирига эга. Унинг кўплаб хизматлари интернет, телефон, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш автоматлари ва рақамли телевидение воситасида йўлга кўйилган. Бу кулийлар, албатта, кўпчиликни жалб этмасдан қўлмайди: ҳар куни Италиядаги почта бўлимларига яром миллион атрофида мижоз ташриф бўймокда, 20 миллионта амалиёт эса онлайн тарзда амалга ошяпти.

Сўнгги йилларда эришган ютуқлари Италия почтасининг

Poste Italiane: Инкиrozни ютукка айлантирган компания

XXI аср почта тизими аслида қандай бўлиши кераклигини олдиндан кўра билганингидан бир далолатдир. Ҳатто Франция ва Буюк Британия сингари нуфузли мамлакатлар почта хизматлари ҳам италияликларда алакачон урға кириб бўлган технологиялар бўйича тажрибани энди синаб кўришмоқда.

Маълумки, 2011 йилдан Европа Иттифоқи эркин почта бозорига ўтишин режалаштирган. Эркин рақобат бозорининг очилишини аксарият операторлар хавотир билан кутиб олаётган бўлса, аксинча, Италия почтасининг ўзи бунга интиллати. Ички рақобатдан ташкисига ўтиш янги марраларни забт этиши учун кенг имкониятлар тұхфа этишига компания катта ишонч билан қарамоқда. Ҳар ҳолда бунга асос бор, масалан, доимий ривожланиш, янги бозорларга чиқиши, ўз ишламаларини кенгроқ татбиқ



этиши имконияти ва ҳ.о. Келаётган ўзаришларга шай туриси мақсадида компания инфратузилмасига ва ходимлари малакасини ошириш, шу жумладан, онлайн тарзда ўқитишга эътибор қаратмоқда.

Италия почтаси очиқ бозорда муносиб рақобатта киришишида, шубҳасиз, сўнгги йилларда жаҳоннинг етакчи донгдор компанияла-

ри билан эришилган ҳамкорлик алоқалари мұхим рол ўйнайди. Жумладан, Американин UPS компанияси билан тузилган шартнома улкан салоҳиятли соҳа – халқаро курерлик бозорига йўл очади.

Фактлар...

- The SDA Group – тезкор элтүв ва логистика оператори
- Mototaxi – шаҳар курерлик мотоцикл хизмати
- Postecom – интернет хизматлари оператори
- Postel – гибрид почта ва ҳужжат алмашини (Европа етакчиси)
- Europa Gestioni Immobiliari – кўчмас мулк бошқаруви

Рақамлар...

- Кунига 20 миллиондан зиёд амалиёт
- Кунига 2 миллион маротаба тўловлар амалга оширилади
- Кунига 250 мингдан ортик жўнатма йўлланади
- Кунига почта бўлимларига 0,5 миллион мижоз ташриф буюради
- Кунига Call-марказ 80 мингта телефон кўнғироғи билан ишлайди
- Кунига Италия почтаси веб-сайти (poste.it)га 80 мингта ташриф кузатилади.

.CO
феномени



Ўтган ой СО домени учун навбатдаги рекорд кўрсаткич билан ниҳоясига етди – унда рўйхатга олингандар сони 300 мингтадан ошиди.

Бу ююри натижага домен расман кўйтаста старт олганидан кейин атига уч ойда эришилди. Эътиборли томони, очик рўйхатдан ўтишинг дастлабки 15 дақиқасида (2010 йил 20 июл) СОда 90 мингдан зиёд ном рўйхатга олинганди.

Эслатиб ўтамиз, аслида СО домени Колумбия мамлакати учун жоратилган бўлиб, шу мақсадда 2010 йил баҳоригача ишлатиб ҳам

келинди. Факат унда рўйхатдан ўтиш СОМ.CO, EDU.CO, ORG.CO ва ёқазо иккинчи дарожали доменостиларида амалга ошириларди. 2010 йил 7 февралидаги Колумбия домени маъмуриятни ўзгарди ва зона рўйхатга олиш сиёсати анча эркинлашиди. Унда жорий этилган янгиликлардан бири – энди нафақат колумбийлик резидентлар, балки резидент-

масларга ҳам рўйхатдан ўтишга рұксат берилди.

Ўзига хос бу ислоҳотлардан сўнг Колумбия доменинга энг таникли СОМ домени аналоги сифатида қарала бошланди ва у омалашшиб кетди. Ушбу воқеаларга қадар СОда номлар сони 39 мингтадан бўлган бўлса, ҳозир 300 мингтадан ошган – бу уч ойда қайд этилган кўрсаткич.

Сонинг янги мавқеидан келиб чиқиб, Google компанияси домен номларини таснифлаш ички тизимига ўзгаришишлар киритиди: энди маз-

кур қидириув тизими худди МЕ (Черногория) ва TV (Тувалу ороли) доменлари каби СОни ҳам миллий эмас, балки халқаро домен сифатида «баҳолайди».

Сонинг оммалашини зона тарихдаги энг йирик савдоға ҳам сабаб бўлди – бир ҳарфлик O.co 350 минг АҚШ долларига баҳоланди. Overstock.com онлайн дўқони унинг янги хўжайини ҳисобланади.

Мутолаа

Ёшларниң энг севимли машғулотига айланын

— Фаолиятимизни Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги “Республика ахолисини ахборот-кутубхона билан тъъминлашни ташкил этиш түбрисида”ги карори асосида олиб боряпмиз, — дейди Фарғона вилояти Аҳмад ал-Фарғоний номидаги ахборот-кутубхона маркази директори Дилором Шукурова. — “Баркамол авлод йили Давлат дастури” ижросини тъъминлаш массадида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари, махаллалар, ҳарбий кисмлар тасарруфидаги ахборот-ресурс марказлари билан ҳамкорликни йўлга кўйганимиз. Китоб жамғармамиз кейинги йилларда иккى бараварга бойиди.

Бугунги кунда зиё масканида 309311 нусха китоб жамғармаси мавжуд бўлиб, уларнинг 949таси электрон шаклда. Хизматлар намуналий йўлга қўйилгани боис, ягона абонент бўйича рўйхатга олинган китоблар 11250тани ташкил этди. Ўтган олий давомида 705 нусха янги нашр тақдим этилган бўлиб, олий марта кўргазма уюштирилди. Янги нашрлар келиб тушишига қараб “Янги адабиётлар бюллетени” ишлаб чиқилган. Кутубхонада ўтказиладиган тадбирлар ҳақидаги маълумотларни АҚМнинг интернетдаги сайтидан топиш мумкин.

АҚМ бутунги кунда қўшимча 16 турдаги хизматни китобхонларга тақдим этмоқда: нусха кўчириш, сканерлар, компютерда ишлаб чиқилиб, вилоятдаги кутубхоначиларнинг компьютер саводхонлигини оширишга эришилди.

Шу кунларда АҚМда “Кутубхона тизимида электрон технологиялардан фойдаланиш” янги лойиҳасини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилди.

Марказнинг Салима Юсупова, Галина Висайская, Марика Григориади, Нина Қаландарова, Шахзода Юнусова, Назия Аширова каби бўлим ва сектор мудирлари фидойилик кўрсатиб меҳнат қўлмоқдалар.

Ўтган олий давомида 705 нусха янги нашр тақдим этилган бўлиб, олий марта кўргазма уюштирилди. Янги нашрлар келиб тушишига қараб “Янги адабиётлар бюллетени” ишлаб чиқилган. Кутубхонада ўтказиладиган тадбирлар ҳақидаги маълумотларни АҚМнинг интернетдаги сайтидан топиш мумкин.

АҚМ бутунги кунда қўшимча 16 турдаги хизматни китобхонларга тақдим этмоқда: нусха кўчириш, сканерлар, компютерда ишлаб чиқилиб, вилоятдаги кутубхоначиларнинг компьютер саводхонлигини оширишга эришилди.

ри бўйича малакасини ошириди. Ҳар ойда бир марта мунтазам равищаҳо ходимлар учун “Мутахассислик ахборот соатлари” ўтказилди, “Библиотека” ва “KUTUBXONA.UZ” журнallари саҳифаларида шарҳ берилди.

Фарғона шаҳри, Охунбобоев, Фурқат, Тошлок, Фарғона, Риштон, Ёёён туманларидаги АРМ ходимларининг ахборот-кутубхоначиларни ахборот технологиялари соҳасидаги иммилларини ошириш мақсадида ўқув семинарлари, стажировка машгулотлари ўтказилиб, методик ёрдам, оғзаки ва ёзма маслаҳатлар берилди, еттига туман КХКнинг АРМ иш фаолияти ўрганиб чиқиди.

Баркамол авлод йилида берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида марказ жамоаси олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари, махаллалар, ҳарбий кисмлар тасарруфидаги ахборот-ресурс марказлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Марказдаги мавжуд барча турдаги адабиётлар, газета ва журнallар CD диск, аудио-видео кассета кўришинишдаги электрон нашрлардан иборат. “Баркамол авлод орзуси”, “ОИТС ва гиёхвандлик аср вабоси” мавзуларидан тўлиқ матнли маълумотлар базаси яратилиб, янги маълумотлар билан мунтазам тўлдирилиб борилмоқда. Шунингдек, “Грипп профилактикаси”, “Чекма, умринг узоқ бўлади”, “ОИТС ва гиёхвандлик аср вабоси” мавзуларидан ахборот вараждари, кўлланмалар ишлаб чиқиди.

АҚМда виртуал тарздаги хизмат ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бугунга қадар 146 нафар фойдаланувчига тарих, биология, иқтисод, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги мавзуалири бўйича 164та маълумотлар тақдим этилди, электрон ўқув залида ҳафтада бир марта белул “Компьютер саводхонлиги” дарс машғулотлари ўтказилмоқда.

Ахборот-библиография бўлими томонидан “Школа этикета”, “Одоб-ахлоқ мактаби” фаолияти йўлга қўйилган. Фарғона шаҳрида гиёхвандлик мактабларининг юқори синф ўқувчиларига мумомалада маданиятини юксалтириш бўйича ўтказилган машгулотлар фойт

маъқул бўлмоқда.

Бугунги кунга қадар кутубхонанинг барча бўлимларида ташкил этилган кўргазмаларда ёшларни илммаърифатга, соғлом турмуш тарзи, маънавий меросимизнинг мунособи ворислари бўлишига чорловчи маълумотлар тақдим этилди. Ёшлар хуқуқий саводхонлигини юксалтириш, хукуматимизнинг хуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятни ёшларга етказиш бўйича бир қанча ишлар олиб борилди. Жумладан, маънавий ва маърифий сектор Рассомлар академияси билан ҳамкорликда “Гўзалликка йўл” кўргазма тақдимотини ўтказди.


Бундан ташқари, кутубхона жамоаси Фарғона ҳарбий гарнizonи ҳарбий қисмларида алломаларимиз таваллудига бағишиланган тадбирлар ташкил этди. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Кўзимиз қарогида ҳур Ватан, озод Ватан!”, “Ватан ҳимояси — иймон рамзи” мавзуларida сұхбатлар ўтказилди.

Марказ фаолияти босқичмасида. Комплектлашдан тортиб китоб беришгача, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, барча ахборот имкониятлари ва сервис хизматлари жамланган интернетдан фойдаланиш, электрон нашрлар билан ишлаш, шахсий рақамли коллекцияларни ташкил этиш, хужжатларни электрон тарзда етказиб бериш, ахборот-реклама ва таҳририят-ноширилган фаолияти шулар жумласиданди.

Шуни айтиши жоизки, АҚМнинг интернетдаги веб-сайтида электрон каталогнинг жойлаштирилиши китобхонларга узоқ масофадан (онлайн) кутубхона ресурсларидан фойдаланиш имконини яратади ҳамда янада кўпроқ китобхонларни жалб қилиади.

Бир сўз билан айтганда, қадриятларимизни улуғловчи, юртимизни маджетувчи китоблар мутолаа ишлаб қолиши учун шарт-шароит яратиб бериш АҚМ ходимларининг бугунги кундаги мухим ва асосий вазифасига айланган.

Мұхаммаджон МАҲМУДОВ



Билмаганин сўраб ўрганган олим...

Мамлакатимизда келажак авлодга бўлган юксак эътибор йилдан-йилга ортиб бормокда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра билими, доно, ақлни ва албатта баҳтили бўлни шарт” деган сўзлари амалда ўз тасдиғини топмокда.

Республикамида 2010 йилни Баркамол авлод йили деб эълон қилинши муносабати билан бугуни кун ёшлари барча жабхаларда, жумладан, Фонд-Форум етакчилигига ўтказилиб келинаётган анъянати «Келажак овози» ёшлар танловининг барча номинациялари бўйича муввафқиятга эришиб кельмоқдалар. Улар орасида «Ахборот технологиялари ва рационализаторлик таклифлар ҳамда техник ишланмалар» номинацияси бўйича Тошкент ахборот технологиялари университетининг талабалари фаол иштирок этмоқдалар. Голиблар орасида университетимиз талабарининг номлари ҳам борлиги бизни беҳад қуонтиради.

Бу бежиз эмас. Чунки талабарининг илмий салоҳиятларини ошириш учун университетда барча шарт-шароитлар яратилган. Университеттинг профессор-ўқитувчилари, аспирант ва талабалари Япония, Корея ва Хиндистон каби ривожланган Осиё давлатларидаги шартнома асосида малака ошироқдалар, таълим олмоқдалар.

АЗалдан, давлатлар ўртасида ҳамкорлик леген тушунча мавжуд. Шу ўринда, техника университетида таҳсил олуви чиониялик талабарининг меҳнатда бўлган муносабатларида андоза сифатида ўрганишга аргизулни томонлари жуда кўп. Чунки

ҳар қандай назария амалиётда ўз тасдиғини топмаса, бундан њеч кимга наф ўй,

Ўзбекистондаги мавжуд корхоналарнинг аксарияти учун етук билим ва салоҳиятга эга, тайёр кадрлар зарур. Кўпгина корхона ва ташкилотларда ўз ишни-ходимларини мунтазам равишда билим ва малакаларини ошириб боришлири учун турил ўқув курслари, зарур бўлса, чет эл корхоналарида малака ошириб қайтишлари учун барча имкониятлар яратилган. Мутахассислар ўз касбий билимларини чукур ўрганишлари, маҳоратлар, стук касб эгаси бўлишлари учун ҳамкорликда бошха мамлакатлардаги ҳамасбларидан тажриба алмасиб қайтишлари яхши ўйлган.

Масалан, Япониядаги йирик корхоналарда ўз ўйналишларига мос келадиган университетларни таълаб, ўзларида мавжуд бўлган иш ўринларини битирувчи босқичдаги талабалар билан тўлдирадилар. Бу таълов асосида амала оширилиб, унда билим савиёсидан қатъи назар, ихтиёрий талаба иштирок этиши мумкин. Машҳур «Sonypa компаниясининг широри сифатидаги сўзлар билан айтадиган бўлсан: «Инсон қайси университеттада таҳсил бахо билан битирганига қараб эмас, балки қобилияти ва имкониятларига қараб таърифланади. Таълим муас-

сасаларининг асосий вазифаси ёшларни эркин фикрлашта ўргата олишдан, янги билим ва кўнинмаларни ҳосил қилишдан иборат».

Профессионал ходимларни тайёрлашда фирмада олиб бориладиган ички интизом ва таълим мухим аҳамиятта эга. Танлаб олинган янги талабалар компанияда иш бошлашдан аввал фирмада ўтиқононасида истиқомат қилиши билан бирга, ўёш жангни курси»ни ўтайдилар. Масалан, «Марубени корпорейшн» компаниясида бу муддат олти ҳафта давом этади.

Белтиланган вақт мобайнида бўлгуси мутахассислар учта асосий нарсани — ҳисоблашни, ахборот билан ишланиши ва кўшичимча бирор чет тилида мумоала қилишни ўрганишлари шарт. Компаниянинг ички қонун-қондайлари ва анъаналярни ўрганиши мақсадида ҳар бир талаба учун алоҳида устоз (кўшичимча иш ҳақиқисиз) тайинланади. Шогирдларга иш ўрганиши давомида кўйиладиган асосий талабардан бирни бўйруқни кўр-кўрона бажармасликлар. Ҳар бир берилган топширик талаба томонидан

нимма сабабдан кераклиги таҳлил қилиниши шарт.

Талаба университеттада таомллагандан сўнг ўз фаолиятини оддий ишчи сифатида бошлайди. Бунга сабаб — поғонама-поғона юқсалгандага ўз кўли остидаги ишчи-ходимга «мен айтгандай мес, балки мен бажаргандай бажар» деган талабни кўйишидир. Иш фаолиятини юритиш жараёнда мутахассисларнинг профессионаллик даражалари ҷонкаларни ўғланлигини аниқлаш максадида йилда бир бор аттестация ўтказилиб туриласди.

Профессионалликнинг бир неча даражалари мавжуд бўлиб, улар бирни иккинчи сидан иш ҳақининг баландлиги билан фарқ қиласди. Шу сабабли япон компанияларидаги фаолият юритувчи ишчилар бошқа жойдан иш изламасдан, ўз профессионаллик салоҳиятни ошириш устуда кўпроқ тер тўқадилар. Булардан ташқари, ходимлар жонажон компанияларининг ўзида касбларини ўзгартиршилар, яъни ротация орқали ўзларининг янги жиҳатларини қашиф этишлари мумкин. Шу усулда япон ишлаб чиқарув-


чилирининг бир турдаги маҳсулотдан, бошқа турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришига бўлган қобилияти ҷархланиб бориласди.

Японлар «Фалсафасиз ташаббускорлик — фоже, ташаббускорликсиз фалсафа — сафса» деб ҳисоблайдилар. Масалан, «Мураккаб масалаларни ҳал қилишга ўрган, чунки енгил масалалар сенинг барча қиравларинги очиш имкониятини бермайди», «Ишонч билан олдинга итилиш — сизнинг иш фолиятингизга куч ва асос бағищалайди, каби ҳикматли фикрларни тез-тез учратиш мумкин.

Буларнинг самараси сифатида, ҳар бир япон фирмасининг ўз шири пайдо бўлган. Масалан, «Биз инсонларни ва ени яхши кўрамиз» («Санё электрик»), «Улкан электроника — технология инсонияти хизмат қилиш учун» («Маттусита электрик»), «Келажакни график информатика билан очамиз» («Норитсу кокки») ва бошжалар.

Ўзбек ҳалқи ҳам меҳнат-севарликда японларга ўрнак бўладиган хислатларга эга. Ёш авлоднинг етук мутахассис қилиб тарбиялашга бўлган эътиборни кучайтирган ҳолда, «Билмаганини сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», деган мақолга амал қилиб, японлардан ахборот технологиялари тараққиёти йўлида билим ва малакалари ҳамда тинмай изланишиндан ўрнак олсан арзиди. Зоро, ҳар бир ёш авлоднинг илмий салоҳияти соҳа тараққиётига, соҳанинг тараққиёти эса давлатнинг юқасалишига сабаб булади.

У. ОРИПОВА



Тарих фани ва АҚТ

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва жаҳон тарихи муммаларини ўрганишда объективлик, холислик мезонидан келиб чиқиб, анчагина ҳайрли ишлар амалга оширилди. Тарихимизнинг биз учун коронгу бўлган кўпгина қиравлари асл манбалар, архив ҳужжатлари асосида ёрқинлаштирилиб бериладиганлиги куонарли ҳолдир.

Ота-боборларимиз, аждодларимизнинг акл заковати, олтин кўли или IX-XII асрлардаги акл бовар кўра олмайдиган даражада нафис ва нозик қилиб ишланган нақшлар, иморатлар, обидалар қадимиш ва навқирон Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Бу тарихий, маданий ва меморилик ёдгорликларни жаҳон маданий меросининг таркибий кўлиб, ҳалқимизнинг жаҳон тараққиётига кўшган катта улудиши. Мана шундай мухим, нодир, қимматли аҳамиятта молик маддий ва маънавий ёдгорликларни ҳар томонлама илмий ва амалий жиҳатдан ўрганадиган ва таҳтил қиладиган фан — мактабда тарих фанини чуқурроқ ўргатишига ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни нюхоятда бекёйидир.

Семинарда бутун жаҳонда ва

ўкувчилар ана шу маданий ёдгорликларга оил маълумот тўплашида ахборот-коммуникация технологияларидаги фойдаланиш яхши самара беради. Бу каби технологиялар орқали ўқувчилик анимацион қўринишлар орқали маданий ёдгорликларнинг архитектураси тўрғисида тасаввур ҳосил қилишлари мумкин, мультимедия воситалари шулар жумласидандир. Мультимедия воситалари ёрдамида ахборотларни матнли, тасвирли, товуши ва анимацияни қўринишда намойиш этиши мумкин. Мультимедия ахборот ресурслари анимацияни, аудио ва видео маълумотларидан таркиб топади.

Мультимедия воситалари нутқли ахборотни киритиш-чиқариши қурилмалари (микрофон, кучайтиричлар, төвш колонкалари), анимацион ва видео маълумотларни киритиш ва чиқариши қурилмалари (видеокамералар, видеопроектор ва экранлари), товуши ва видео маълумотларни сақлови оптикани дикслар, мультимедия воситаларидан фойдаланишида уларнинг бир неча турлари ва усуллари мавжуд.

Ўрта таълим мактабларида мультимедиядан фойдаланишида мухим аҳамият

касб этиади. Айниқса, барча фанлар сингари, тарих фанини ўқитишда алоҳида самара беради. Чунки ўрта асрларда, ундан кейин ва олдин барпо этилган ёки бизгача тўлиқ ёки қисман этиб келган, ёнки бир бўлғи мавжуд тарихий обидаларни тўлиқ тасаввур этиши мултимедия, компьютер графикини орқали уларни қисмларга бўлиш, ажратиш, соғ ва бошқа кўринишлар ҳосил қилиш мумкин. Тарих фанини ўқитиши жараёнда бу каби технологиялардан фойдаланиши ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини ортирибигина үлакчалик, балки уларнинг ўша давр архитектураси, бунёдкорлик илмларидан ҳам боҳабар қилиш мумкин.

Тасвирлар орқали обидаларнинг босқичиб қурилиши жараёнларини, усулларини билиб олиш мумкин.

Бир сўз билан айтгандан, ахборот технологияларни нафакат келажак технологияси, шунингдек, ўтмиши ўрганишида ҳам асосий воситалардан бирни сифатида ўз ўрнига эга.


Ҳаловат МУҲАММАДИЕВА,
Шахрисабз мактабидаги 94-умумий ўрта мактабининг тошфаи тарих фани ўқитувчиси

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

Устозлик шарафи

Устоз... Шу биргина сўз ортида кўп ийлилк машақат ва маъсуллият, шу билан бирга, улкан шараф ва хурмат ётиди. Бу номга эриши учун инсонда саҳоватли, меҳрли қалб бўлмоғи лозим. Шундагина у билганларини бошқаларга эринмай ўргатади, уларни ҳамма вакт тўғри йўл сари чорлайди. Умринг 45 йилини алоқачилик соҳасига багишлаган фидойи инсон Акбар Иброҳимов ҳам ана шундай устозлардан бири.

Акбар ака ёшлигидан алоқачи бўлишини орзу қиласади. Бу орзу уни 1960 йилда Тошкент алоқа политехникумига етаклади. Техникумни аъло баҳолар билан туғаллаган ёш мутахассис қатор алоқа ташкилотларида турли вазифаларда фаолият кўрсатди. Айниқса, у Тошкент электротехника алоқа институтида лаборатория мудири, Келес ҳамда Зангигита алоқа боғламалари бошлиги, Тошкент виляят давлат электр алоқа ишлаб чиқариши корхонаси ҳамда "Тошкент Телеком" филиалини бош энергетиги вазифаларини маъсуллияти чукур ҳис қилган ҳолда олиб борди. Кўплаб муҳим лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиди.



— Устозимиз — бизнинг фахризиз, — дейди "Ўзбектелеком Мобайл" филиали директори вазифасини бажарувчи Каҳрамон Юлдашев. — У кишининг тажрибаси пенсияга чиққанларидан кейин ҳам "Тошкент Телеком" филиалида беш йил қўл келди. Устозимизга узоқ умр тилаймиз.

М.ИДРИСХУЖАЕВА

MOBIL ALOQA

Рамазон ойида янги хизматлар



Билайн саҳарлик ва ифторлик вақтлари ҳақида маълумот берувчи "Рамазон ойи" белуп хизматини ишга тушириди. Хизматта R матнини 2010 рақамига СМС тарзида юбориб уланиш мумкин.

Воқеани "Unitel"нинг жамоатчилик билан алоқалар катта менежери Ораз Абдураззоков шундай шарҳлари: "Рамазон ойига багишланган акциялар компаниямиз учун анъянага айланаб улгурди. Мижоз белуп олишларига ишончлари комил бўлиши мумкин".

Бундан ташқари, "Билайн" абонентлари R матнини 5055 рақамига СМС тарзида юбориб, мазкур муборак ой анъаналари ва удумлари тўғрисидаги билимларини текшириб кўришлари ва СМС-тестдан ўтишлари мумкин. Битта СМС нархи — \$0,30. "Муборак Рамазон ойи тарихи"га обуна бўлиш орқали эса абонентлар бу борадаги билимларини мустаҳкамлашлари мумкин. Бунинг учун RN матнини 5005 қисқа рақамига СМС тарзида юбориб зарур. СМС нархи — \$1,99.

"Билайн"дан яна бир хизмат: "Рўза вақтида қандай таом истеъмол қилин маъкул?" Фойдали маслаҳатлар рўза тугишни енгиллаштиришга ёрдам беради. Хизматдан 0534 қисқа рақамига кўнгироқ қилиб, фойдаланиш мумкин. Хизматнинг бир дақиқаси — \$0,99.

Рамазон ойига багишланган тарихий шаҳарлар суратини "Билайн" широрталидан олиш мумкин. Бунинг учун танланган сурат кодини 5553 рақамига юбориш керак. Битта СМС нархи — \$1. Батафсил маълумот wap.beeline.uz ва www.flashfon.uz/pictures сайтларида.

OBUNA-2010

Обуна давом этмоқда

Кадрли муштариylар!

"Xabar" газетасига иккичи ярим йиллик учун "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлимлари ва "Матбуот тарқатувчи" АҚ шохобчаларидаги обуна бўлишиниз мумкин.

Газета ҳафтанинг жума куни, 16 саҳифада, тўлиқ теледастурлар билан чоп этилади. Шошилинг, обуна давом этмоқда.

Xabar

— Сизнинг газетангиз!

Нашр кўрсаткичи —

228.

Якинда Самарканд шаҳрида Баркамол авлод йили ҳамда АТ "Алоқабанк"нинг ташкил этилганига 15 йил тўлиши муносабати билан банк филиалларида ишловчи аёллар ўртасида волейбол бўйича Республика биринчилиги мусобакалари бўлиб ўтди.

"Алоқабанк" чилар беллашуви

Мазкур тадбирнинг очилишида Самарканд шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Самарканд вилоятидаги худудий бошқармаси, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмалари кўмитаси раҳбар ва ходимлари ҳозир бўлди.

Кескин курашлар остида ўтган мусобакаларда ОПЕРУ-Тошкент" жамоаси мутлақ ғолиб келиб, ишдан толикан ва бўш вақтларимизда доимий шуғулашни борамиз. Бу турда совинли ўринларга эта бўлмасак-да, келгусида бундай мусобақаларнинг доимий ғолибларига айланамиз деган умиддамиз.

Абдугафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарканд вилоятидаги мухоби

Саралаш турнири: барча финалчилар номи маълум

Ўзбекистон миллий университети спорт залида футзал бўйича ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши Кубоги учун Тошкент шаҳри худудий-минтақавий саралаш турнирини ҳақида газетамизнинг аввалини соняларида маълум қилган эдик. Сўнгти тур ўйинларидан кейин Кўчма Кубок баҳсларининг финал боқсичида иштирок этадиган барча жамоалар номи маълум бўлди.

Саралаш гурухи ўйинлари якуний жадвали куйидагича:

№	Жамоа	Ўйин	Галаба	Дуранг	Матбуёнит	Т-Н	Очко
1	ШАК	6	4	2	0	33-17	14
2	ТАТУ	6	4	1	1	31-12	13
3	ТШТТ	6	3	2	1	40-16	11
4	Билайн	6	2	1	3	19-26	7
5	UzNET	6	2	0	4	16-25	6
6	ТШТТ-2	6	1	1	4	17-32	4
7	Алоқабанк	6	1	1	4	18-46	4

Тошкент шаҳри саралаш турнирида сўнгти ўринни эгаллаган жамоа финал йўлланмасидан маҳрум бўлар эди. Якунда ТШТТ-2 ва Алоқабанк жамоалари бир хил очко тўплашиди. Йўлланманга тақдирли тўплар нисбатига кўра аниқланди. Унга кўра пойтахтилик телекомчиликнинг иккичи жамоаси мусобақани давом эттириш имконига эга бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Кўчма Кубок баҳсларининг финал боқсичи сенатиб ойида ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу мусобақада жами 12 жамоа ("Наманган Телеком", "Тошкент Телеком", "ЎЗИ-Жиззах", Самарканд ШМАТБ-4, Навоий "Алоқабанк", Бухоро "Алоқабанк", ШАК, ТАТУ, ТШТТ, Билайн, UzNET, ТШТТ-2) бош совин учун кураш олиб боради.

Ўртоқлик учрашувлари

Сешанба ва чоршанба кунлари иккича жамоамиз — Ўзбекистон олимпия ва Миллий терма жамоаларимиз хорижда ўртоқлик учрашувларини ўтказдилар.

Англия (U-21) — Ўзбекистон (U-21) — 2:0
Албания — Ўзбекистон — 1:0

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши жамоаси "Ўзбектелеком" АКнинг "Андижон Телеком" филиали бошлигини Баҳтиёр Маниззовга опаси

Инидра МАНИЗЗОВАнинг вафоти муносабати билан чукур таъзия билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси ва бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси "Фалсафа" кафедраси профессори Сайдрасул Сангишовга отаси

Сайдакбар отанинг вафоти муносабати билан чукур таъзия билдиради



Nashr k'or'satkichi —

228.

Ўтиш турнири кубоги – почтациларда!

(Давоми. Бошланниши 1-бетда.)

Ўтган йилги савиядан бир погона бааланд юқсалган почтаци-футзальчилар тайёргарликни шу таҳлил давом этилсалар, кейинги мавсумда соҳанинг етакчи жамоаларига муносиб қаршилик кўрсатча оладиган жамоага айланадилар. Демак, спорт майдонларида рақобат янада кучаяди.

Газетамизнинг ўтган сонида Тошкент шаҳар ўтиш турнирининг 5-тургача бўлган натижалари ҳақида маълумот берган эдик. Шу сабабдан, шархимизни "А" гурӯҳида ўтган 6-тур баҳсларидан бошлаймиз.

"A" гурӯхи. 6-тур

МАТБ – МТС-Ўзбекистон – 2:4

UzMobile – Матбуот тарқатувчи – -:+

PPTM – Почтамт – 0:8

Ушбу тур "A" гурӯҳида иккичи яrim финалчини аниқлаб берди. "Почтамт" жамоаси барча ўйинларда ишончли галабага эришгандиги сабабли муддатидан аввал яrim финал йўлланмасини кўлга киритиши улугуранди. Иккичи йўлланмага Махсус авария-тикалаш бошкормаси (МАТБ) ҳамда "МТС-Ўзбекистон" жамоалари дазвогарлик қилишаётганди. 6-турда айнан ушбу жамоалар ўзаро бахс юритиши. Учрашувга рақбига нисбатан жисмонан тайёр ҳолатда этиб келган мобил алоқалар қийин ва мухим галабани кўлга киритдилар.

7-тур

Матбуот тарқатувчи – РРТМ – 3:4

ДАИ – МАТБ – - : +

МТС-Ўзбекистон – UzMobile – 8:0

Шундай қилиб, гурӯх ўйинларидан сўнг турнир жадвуллари кўйидагича кўриниш ҳосил қилди:

"Ўтиш турнири"нинг "A" гурӯхи ўйинлари жадвали:

№	Жамоа	Ўйин	Галаба	Дуранг	Маглубият	Т-Н	Очко
1	Почтамт	6	6	0	0	50-7	18
2	МТС	6	5	0	1	31-9	15
3	МАТБ	6	4	0	2	24-14	12
4	РРТМ	6	2	1	3	15-26	7
5	Матбуот тарқатувчи	6	2	0	4	8-40	6
6	UzMobile	6	1	1	4	9-37	4
7	ДАИ	6	0	0	6	5-19	0

"Ўтиш турнири"нинг "B" гурӯхи ўйинлари жадвали:

№	Жамоа	Ўйин	Галаба	Дуранг	Маглубият	Т-Н	Очко
1	Ucell	5	5	0	0	20-7	15
2	ЭМММ	5	3	0	2	34-15	9
3	ТошТС	5	3	0	2	11-13	9
4	Мониторинг маркази	5	2	0	3	9-15	6
5	Alskom	5	2	0	3	9-19	6
6	Unicon.uz	5	0	0	5	0-15	0

Натижаларга кўра, турнирнинг яrim финалида "A" гурӯҳида биринчи ўринни олган жамоа "B" гурӯҳининг иккичи жамоасига қарши, иккичи ўрин эгаси эса нариғи гурӯҳнинг биринчи жамоаси билан баҳс юритадиган бўлди.

Яrim финал

Финал ўйни бўлиб "Почтамт" ва ЭМММ жамоалари баҳс юритиши. Учрашувнинг биринчи бўлими ачагина муросасиз тарзда ўти. Илк дақиқалардан тоғ ташаббусга эга бўлган почтаци-футзальчилар кетмакет уч тўп киритиб, ишонч билан одлинга чиқиб олишганди, аммо Электромагнит мослашув маркази вакиллари осонлика ён бергилари келмади ва маълум уринишлардан сўнг ҳисобни минимум да-



ражага қисқаришиди. Биринчи бўлимдан сўнг жамоалар 3:2 ҳисоби билан танаффусга чиқиб кетдilar.

Иккичи бўлимда маҳорат ва тайёргарлик борасида рақибидан анча устун бўлган почтацилар янга ташаббусни кўлга олдилар ва голлар шоусини уюштириб бердилар. Якуний натижга:

Почтамт – ЭМММ – 8:2

Иккичи яrim финал баҳси турнирнинг ҳақиқият дербисига айланди. Мамлакатимиз мобил бозорининг етакчи рақобатчilarи – "МТС-Ўзбекистон" va Ucell жамоалари ба сафар футбол майдонida баҳслашишлariiga тўғри келди. Ўйин ҳақиқиятни қизғин кураш остида, тенгма-тeng тарзда кечди. Иккала жамоа ҳам рақибига ён бергиси келмади. Ўйинда Ucell жамоасининг жисмоний ҳолати устуннор, туярган бўлса, МТСчиларда тажриба юқорилити сезилиб турарди. Ucell кетма-кет иккичи бор ҳисобда олдинга чиқди, аммо ҳар сафар МТСчилар дарҳод жавоб қайтаришига имкон топишиди. Учрашув охирларига келиб эса "МТС-Ўзбекистон" футзалчилари галабани илиб кетишиди.

МТС-Ўзбекистон – Ucell – 3:2

3-урин учун

Ucell ва ЭМММ баҳси турнирнинг гурӯх ўйинларидаги ўзаро учрашув сценарийисига ўхшаб кетди. Ўша ўйинда мобил алоқачилар қийин галабага эришганди, ба сафар ҳам шундай бўлди.

ЭМММ – Ucell – 3:4



Финал

Финал баҳсида иштирокчилар тартибли фут bolt намойиш этишиди. Иккала рақиб ҳам кучли бўлгани сабабли эҳтийоткорлик муҳим аҳамият касб этарди. Шу боис химоя мустаҳкам ушланган ҳолда комбинацион ҳужумлар уюштиришига ҳаракат қилинди. Бу борада "Почтамт" жамоаси вакиллари мусвафикациялрироқ тўди суришиди. Жамоалар бир-бирининг ўйинидан яхши баҳардорлиги ҳам илк дақиқалардан кескин курашга замин яратди. Гурӯх баҳсларидан ушланган ҳолда комбинацион ҳужумлар уюштиришига ҳаракат қилинди. Бу сафар ва даражада катта ҳисоб қайд этилмаган бўлса-да, барбири почтацилар тезкорликда яна мобил алоқачиларни орта қолдирди. Шу ўринда, МТС дарвозабонининг ажойиб ҳаракатларини ҳам эътироф этиб ўтиш жоиз. У бир неча бор жамоасини мукаррар гollardan сақлаб қолди. Акс ҳолда, ҳисоб бундан да йирикроқ кўриниш ҳосил қилиши мумкин эди.

Почтамт – МТС-Ўзбекистон – 3:0

Шу тарзда почта вакиллари илк бор кубок соҳибига айланисди. Албатта, "Ўтиш турнири Кубоги" Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Кўчма Кубогидан нуфуз бўйича кейинги ўринда туради. Шундай бўлсада, илк совирининг кўлга киритилиши "Почтамт" жамоасига келгуси баҳсларда кўшимча куч багишиласа, ажабмас.

Соҳа мини-футболи бўйича ўтган йillardа ташкил этилган баҳсларда почтациларнинг мусвобод иштирок эта олмаётгани бирор ўлантариганди. Соҳада энг кўт ҳодимларига эга тармоқ вакиллари спорт мусобақаларида ҳам яхши натижалар кўрсатишга қодир. Факат бунга эътибор зарур. Мана, низоят, жорий йилда почтацилар замон юқори погоналарга кўтарила олишлари на-мойн бўлди.

Ўтган йилги "Ўтиш турнири"да 3-уринни қайд этганимиздан сўнг, бу йилги мавсумга янада жиддийроқ тайёргарлик кўришга киришдик, – дейди почтацилар жамоаси сардори Дилмурад Нурилев. – Бу йилги таркибимиз бир нечта янги почтаци-футзальчилар билан тўлдирилди. Жумладан, "Халқаро почтамт" жамоасидан келган Файзулла Фозилов янга бир мөнор ўйничимиз Доенир Ниёзев билан яхши тандем ҳосил қилди. Умуон олганда, мусобақаларда Б.Рахимов, Ш.Шоқаримов, Ш.Содиқов, Б.Умаров каби вакилларимиз ишончли ҳаракат қилинди. Ютуқларимиз замонида, аввало, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ раҳбариятининг кўмаги ётиди, десам адашмайман. Уларнинг ҳомийлигида уч-тўрт ой мобайнидан ТАТУнинг янги зали ижарага олиниб, машгулотлар олиб бордик. Бу бизга мусобақага жисмонан ва тактик тайёр ҳолда етиб келишимизга замон ҳозирлади. Кейинги мавсумда савия жиҳатидан анча юқори рақибларга дуч келмаз. Шу сабабли, ноёнбр ойидан бошлаб жиддий тайёргарлик бошлишни режалаштиряпмиз. Жамоанинг амалдаги таркиби сақланниб қолтан ҳолда янагу мусвобод номзодларни қидиришда ва синовдан ўтказишида давом этимиз.

"Почтамт" жамоаси тайёргарликларга зўр берса, бугунги кундагиданда яхши натижалар кўрсата олишиш қодир. Жамоа вакиллари асосан ёшлилардан иборат. Машгулотлар келгусида ҳам бир маромид олиб борилас, ТШТТ, ШАК, Билайн, ТАТУ, Бухоро "Алоқабанк" и каби соҳанинг етакчи жамоалари билан тенгма-тeng баҳслаша оладиган жамоа шаклланади.

Жамоани киритилган ютқ билан табриклаб, келгусидаги баҳсларда ҳам зафарлар ёр бўлишини тиляб қоламиз.

Лутфилло ТУРСУНОВ

TURMUSH CHORRAHALARIDA

— Сиз болаларингиз билан шу хонада ётақолинг, — деди Холида совукқина қўлиб. — Ўринни ўзингиз солиб оларсиз.

Куни бўйи меҳмонларга овқат пишириб, жой тайёрлаб, улардан сўнг ҳамма идишларни юваб, артиб жойжайга кўйгучга бўлари бўлган Фарогат бир пас тин олиш мақсадиди болалари ёнига ўтириди. Улар биттадан ёстиқни бошларига кўйиб, полос устиди ухлаб қолишганди. Фарогат вақт топиб болаларига ҳам қарай олмади. Ҳар доимигдайдон тонг саҳарда қайногаси “тап бериш” навбати келганларигина айтиб болала-ри билан олиб келди.

— Келиноингизга қарабиб юборинг, — деди у. — Бир ўзи улуромлайди, болалар бугунча боячага бормай кўя қолишар.

Холида қарабиб юбориш учун келган овсинини кўргач, ҳамма ишни унга топшириб кўя қолди. Ўзи эса овқатни бошлаб берди, холос, қолганини давом этирирган, деди унга. Холидага шундай бўйруқ бериб юриш жуда ёқди. Фарогат жаҳли чиқса ҳам чидаиди, овсининни калондимоғлик билан берадиган буйруқларини камсити деб қабул қўлмайди, аксинча, кимгadir ёрдамим тегяпти-ку, дей ўзига таскин беради.

Фарогат озроқ тин олгач, болаларини четта суруб ўрин солди ва уларни жойларига ётқизди. Сўнг устларига ёпиш учун кўрга олди. Кўрга билан бирга нимадир тўп этиб полга тушди.

Қараса, овсиини доимо мақтабиди тақиб юрадиган ёкот кўзли тиля узук экан. Бу узук Фарогатга ҳам ёқарди. Лекин унинг турмуш ўртоғи биргина маошиб билан тириклини зўрга ўтказгани учун бундай узук олишга курбига етмасди. Қайногаси эса катта бир магазиннинг мудири. Хотинининг кўнгли туслаган нарсасини муҳаёй қилиди.

Фарогат узукни олиб кўлига тақиб кўрди. Шунақа ярашдиди, ечгиси келмай қолди. Кейин бу бирорининг узуги эканлигини эсига тушиб, тезигина бармогидан олди ва сандиқ устидаги кўрпанинг орасига чиқиб кўйди. Ва секин ўрнинг чўзилди. Бир пас хаёл суруб ётди. Шунда доимо одамларни ўйдан озидиринг пайтойла юрадиган шайтон хужумга ўтди.

— Узукни бекор жойига кўйдинг, — дер эди у. — Овсиининг сенинг қанча нарсаларингни сўрамасдан олиб, ишлатиб юборган. Эсингдами, ўғлинига онанг бешик берганда олиб келган киймилар.

Ҳа, эслай бошлади Фарогат. Ўшанда онаси бир этак бола билан есир қолганига қарамай қизим ўқсимасин дея қариндошлар ёрдамида бешик олиб келтан, лекин ўғлига атальган ўйинчоклару велосипеддан тортиб аравачагача овсиларининг болалари ўйнаб, бузуб ташлашган эди.

Тиля узук сабози

Фарогат
шакф

Бешик тўйидан бир ҳафта ўтиб, сессиya бошланганларни бўис Фарогат ўқишига кетди. Бир ойлик ўқишини курсдошлари ёрдами билан амалаб ўтказди. У имтиҳонга кирган пайтида курсдошлари ўзини кўтариб туришар, дарс пайтида эса охирги қаторга ётқизиб кўйишишарди. Уйга бир олам вазифа — курс иши-ю, контрол ишлар билан қайтган

бир кун келиб ўзингга қимматга тушиши аниб.

Фарогат қилган ишини бувиси кўриб тургандай уялиб кетди. Дарҳол узукни олди-ю, кўрпа орасига яшириди.

Ётиб энди ухлайман деганида шайтон яна ўз куткусини бошлади.

— Бу ишининг ўғирлик эмас, қасос олишга киради, — дер эди у. — Сенга қилган беписандлиги учун ўч олясан холос. Сени одаммисан ҳам демасдан иккига жуфт патнисингни олиб чиқиб кетгани эсингдан чиқдими? Патнис узукчилик қиммат бўлмаса ҳам, у сенинг шахсий нарсанг эди. Колаверса, сендан олган нарсаларига иккита узук камлик қилилади.

Ўшанда Фарогатнинг янги келиниллик пайти эди. Эрталаб ҳовли-ю кўчаларни супуриб хонасига кирди-ю, кўзи Холидага тушди. У сервантиста қатор тахлаб кўйилган патнисларни стол устига ёйил олган, ичидан чиройлисими танларди.

— Келинг, келиной, — деди Фарогат унга таажжу билин қараб.

— Тўртга патнис керак, — деди беписандлик билан. Сўнг қўшиб кўйди — ойманд сўрагманман,

— Ойижон руҳсат берган бўлсалар, бемалол олаверинг.

Холида патнисларни кўтариб чиқиб кетди. Фарогат нима бўлаётганини тушиналмасди. Ахир бу патнисларни онаси берган бўлса. Нима учун овсиини қайнонасидан сўрайди. Кейин эса “Бор-йўқи буюм экан-ку, ўйлашга ҳам арзимайди” деб кўя қолган, лекин бу овсиини унинг уйига кириб, хоҳлаган нарсасини олиб чиқиб кетишининг бошланиши бўлган эди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам у ўз ҳақини олаёттандай эди назарида у узукни олиб яна сумкасига солиб кўйди.

Ётиб энди кўзи илингандай эди, бувисининг сиймоси бостириб кела бошлади. “Болам, ҳам ким ўзи учун ўзи жавоб беради, унутма”, дер эди оппоқ сочили бувижониси жаҳо билан.

Фарогатнинг яна ўйқуси очилиб кетди. Бу вакъта ҳар қаэр, ҳар қаэрда ҳурозлар қичқира бошлаган, тонг яқинлашеттандай эди. У ўйланди қолди. Ҳақиқатан ҳам вақти келиб, ҳар бир инсон ўз қиммиши учун ўзи жавоб беради. Овсиининг ачиқ қилиб, унинг узугини олса, Холидадан нима фарқи қолади унинг. Арзимаган, ҳар кимдан ҳам қолиб кетадиган матоҳ деб ўғри деган номга эса бўлиб қолмайдими? Ҳеч ким кўрмайдиган бўлса ҳам ўзи бир умр эслаб афсусланиши аниқ-ку!

У узукни кўрпалар қатига кўйиб, хотиржам ўйкуга кетди.

Г. ХАЙДАРОВА

SALOMATLIK

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ!

Агар сиз вазинингиз ортшивдан кўрсаётган бўлсангиз, таомномангизга эътиборли бўлинг. Унутманн, қўйдаги маҳсулотларни қанча истемом қиласангиз ҳам вазинингиз ортмайди, аксинча, целилолитдан халос бўласиз.

Қора шолғом организмда заҳарли моддалар тўпланишининг олини олади.

Помидор шарбати ва маъданли сув организмни заҳарли моддалардан тозалайди.

Сули ёрмаси таркибидаги темир моддаси коллаген ишлаб чиқарилишини фатолаштиради.

Қўк чой танангиздаги ёғаларни парчалайди.

Тузланган карам заарли моддаларни чиқаради.

Шивит эндокрин тизими фатолиятини яхшилайди.

Табриклаймиз!

“Фарғона Телеком” филиали жамоаси Фурқат тумани телекоммуникациялар боғламаси ходими Абдуқадхор МУТАЛИПОВинг 55 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга сиҳат саломатлик, узоқ умр, фарзандлар баҳт-иқబолини кўришликни тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Водил почта алоқаси тармоғи хабарчиси Насибахон МАСАИДОВинг 50 ёши билан кутлаб, унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлари камолини кўришликни тилайди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош мұхаррир:
Абдусаид КУЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2016 роками билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Видоят мұхбири:

Андижонда 226-47-80
Бухорода 223-27-85
Гулистонда 40-12-19
Жиззахда 226-06-34
Навоийда 225-91-10
Наманганда 226-61-85
Нукусда 554-35-45
Самарқандда 233-61-81
Термизда 224-06-12
Тошкентда 288-40-66
Ургончда 226-37-16
Фарғонада 226-87-71
Қаршида 314-08-99

ТАХРИР ХАЙТЬАТИ:
Ҳаким МУХИТДИНОВ (Хайдат роиси), Асаджон ХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,
Шуҳрат СОДИҚОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суон НАЖБИДИНОВ, Рустам
ҚОСИМОВ, Содикжон КОСИМОВ, Абдураҳим АБДУРАҲҲМОНОВ (Бош мұхаррир
ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятта келган кўлдэма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланниш мумкин.

Нашимиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олингандиги кўрсатилиши шарт.

Тизорий материал — ①
Реклами матнларининг тўртилигига таҳририят жавобига эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

G-702 сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қозғочи бичими А-3, ҳажми 4 босма табоби. Алади: 11461 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкӯчаси, 8-йи.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обува индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишига топширилди — 20.00.
Босишига топширилиш вақти — 20.00.